

БАСРА ГРАММАТИКА МАКТАБИ

Хаитова Барно

Янги Аср университети

Араб тили филологияси 4-курс талабаси

Калит сўзлар: Араб наҳви, грамматика мактаби, мантиқ, тил хусусиятлари, манба, битик, мантиқ, қабр тоши, сура, табақа, басра мактаби, ташқи таъсир.

Араб тили грамматика мактабларининг келиб чиқиши, сабаблари, ривожланиш тарихини ўрганиш, ҳар бир араб тилини ўрганаётган ўқувчи билиши керак бўлган тарих. Бу мақолада биз, араб тили ва тилшунослик масалаларини ўрганиш, араб тилшунос олимлари яратган асарлар, ундаш тарихий ва назарий маълумотлар билан танишамиз. Бу билан уларни мазмунини тушуниш, кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Грамматика мактаблари пайдо бўлиш сабаблари ва уларни ривожланиш давлари, у мактабларни асосчилари ҳақида танишамиз. Бу мактаблар орасида Басра грамматика мактабининг ўрни бекиёсдир. Араб тилшунослик фанига ва тарихига оид асарлар, қўлёзмалар билан танишиш, тушуниш, назарий билимга ега бўлиш зарурдир.

Анъанавий араб грамматикаси шаклланиши узок йиллар давом етгандир.

Басра грамматика олимлари ҳам, бу давларда, яни яшаган даврига қараб, табақаларга бўлинишади, мақолада табақа вакиллари, олимлар ҳақида батафсил танишамиз.

Мақолани ёзишда устозларимиз Марҳабо Асқарова, А. Зайрийев, М. Абдуллайев, П. Абдуллайевалар, шу фандан ўқитиш жараёнида орттирган кўп йиллик тажрибаларидан ва қимматли маълумотларидан, йўл йўриқларидан фойдаланилди.

Араб тили ва адабиётининг пайдо бўлиш, ислом дини кириб келишидан аввалги давларга яни жоҳилият давларига бориб тақалган.

Қадимги араблар ўтроқ ва кўчманчи бўлиб кун кечирганлар. Ерамиздан аввалги IX-VIII асрларда, манбаларда ёзилишича, Арабистон ярим оролида яшовчи халқларни “Араби” деб номлашган. Ўша даврда ёзилган “Библия” матнларида ҳам Арабистон халқи ва Сурия аҳолисини “Араби ёки Арави” деб аташган .

Бизни давргача йетиб келган араб тилининг энг биринчи ёзма ёдгорликлари ерамизнинг IV-V асрга таълуқлидир, биринчи араб тилида битилган битик – Дамашқнинг жанубий-шарқидан 120 км узоқда жойлашган “Ан-Кимар” қишлоғидан топилган. Унинг ёзилиш санаси ерамизнинг 328-йилида, қадимий

йил тақвимида 223-йилларга тўғри келади. У 116 см / 33 см ҳажмдаги қабр тошига 5 қатор ўйиб ёзилган ҳам бўлган.

Бизга маълумки, араб тилидаги биринчи манба, бу классик араб тилидаги – Қурони Каримдир. Ерамизнинг VII аср ўрталарида ёзилган Қурони Карим, 18 ҳарфли алифбода, нуқтасиз ва унлиларсиз ёзилган бўлган, буни тўғри тушуниб ўқиш учун еса, тил қоидаларини ўрганиш, грамматик қоида ишлаб чиқиш зарур бўлган.

Араб тилшунослиги шаклланишига ва жуда қисқа вақт ичида ривожланишнинг юқори чўққисига чиқишга тарихий шарт-шароит ёрдам берган. 632-йили, тарих саҳнасига чиққан араб халифалари, сарҳадларни кенгайтиришда музафарона юришлари натижасида ниҳоятда тез кенгайган. Яқин шарқ, Ҳиндистонни ката қисми қўшилган, Кавказорти ўлкалари, Ўрта Осиё ўлкалари, Шимолий Африка, Испания ва Европанинг жанубий ҳудудлари ҳам халифалик тасарруфида бўлган. Бу ўлкаларга Ислом дини - дин билан биргаликда араб тили ҳам, давлат иши ва таълим тили сифатида кириб келган.

Бу даврда, араб диёрларида тил, айниқса, араб тили масалалари билан шуғилланишга алоҳида ётибор қаратилади, чунки тилнинг софлигини сақлаш умумдават миқёсидаги вазифаларидан бири бўлган.

Фатҳ етилган давлатларнинг Ислом динини қабул қилиш, араб тилини шу давлатларда давлат тили деб ёллон қилиниши, қисқа вақт ичида классик араб тилини ўрганишни талаб қилди. Қурони Карим оятлари, ҳадислар тўғри талафузни яни тўғри ўқишни талаб етар еди, шу зайлда араб тилшунослик мактаблари пайдо бўлишига асос бўлди.

Араб тилшунослиги маркази – Аббосийлар сулоласи даврида Басра ва Куфа шаҳарлари ҳисобланган.

Бизга маълумки, исломни қабул қилган араб бўлмаган халқлар уни ўқишда луғавий камчиликларга йўл қўйишади. Бу еса Қуронни тўғри, хатосиз ўқишни ўрганиш вазифасини келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрнинг биринчи ярмида Басра ва Куфа шаҳарларида грамматика мактаблари очилишга сабаб бўлди.

Араб тилшунослигида олимлар зиммасида ката вазифалар бор еди:

1. Давлат ишларини бошқаришда, диний – илмий масалаларда тўғри келадиган араб тили ҳолатини яратиш.

2. Араб тили грамматикаси ва ёзувини қоидалари, сўзлари, ибораларини тўғри қўллаш усуллари, араб ҳарфларини талаффузини мукамал белгилаб бериши.

Араб грамматик мактабининг биринчи маркази Жанубий Ироқда жойлашган Басра шаҳри ҳисобланган. У қадимги Месопатамиянинг маданий

ўчоғи ҳисобланади. Араб тили грамматикаси шаклланиши узоқ йиллар давом этди.

3. Басра грамматика мактаби асосчиси.

Араб тили грамматикасининг биринчи муаллифи ва асосчиси Абул-Асвад Ад-Дуалийдир. Ҳазрат Али ибн Абу Толибдан, араб тилини нозик томонларини ўрганган буюк грамматик олимдир. Шу даврда еронлик Амир Зиёд ибн Абиха, Ад-Дуалийга Аллоҳнинг китоби – Қурони Каримни ўқишда инсонларга ёрдам берадиган нимадир ёзиш тўғрисида таклиф беради. Аввал олим Ад-Дуалий нима ёзиш ҳақида иккиланиб, ҳеч нарса ёзмайди, бир куни шаҳар кўчаларида айланиб юрганда, беҳосдан бир кишини қироат қилиб, “Ат-Тавба” сурасини 3-оятини нотўғри қироат қилиб ўқиётганини ешитиб қолади.

Унда қуйидаги нотўғри таржима келиб чиқади. “Дарҳақиқат Аллоҳ мушриклардан ва ўз елчисидан ҳоли” – деган сўз, аслида еса:

“Дарҳақиқат Аллоҳ ва унинг елчиси мушриклардан ҳоли” – бўлиш керак еди.

Абул-Асвад буни ешитиб, - “Мен бунчаликка боради, деб ўйламаган едим”- дейди ва тил ҳақидаги қоидалар мажмуасини ёзади. Бу қоидалар мажмуаси ишлаб чиққанлар ва ўша даврдан бери араб тилининг қонун қоидалари илми ---- -- деб аталади.

Абул-Асвад Золим ибн Умар Ад-Дуалий.

Араб грамматикасининг асосчиси ҳисобланади. Ривоят қилишларича, Абул Асвад, Али розиаллоҳу, Абул Асвад, Али розиаллоҳу анҳунинг дўстларидан, ҳамда унинг ишончини қозонган кишилардан еди. Олимлар Абул Асвадни наҳви яратишда нима мажбур қилгани ҳақида ихтилоф қилганлар. Кўпчилиги, Қурон ўқиётган қорини “Тавба” сураси – 3-оятини хато ўқиётганини ешитгач, ёзганликларини ётироф этадилар.

Бу оят аслида (-----)

(Аллоҳ ва унинг расули мушриклардан безор) Қурон ўқиган қори бу оятдаги “وَرَسُولُهُ” калимасини “رَسُولِهِ” қилиб, келишиқ кўшимчасини бош келишиқдан қаратқич келишиқка алмаштириб қўяди, бунда аввал зикр қилган хатолик келиб чиқади, бу тарзда кўпол тарзда маъно англанишиб кетади, бундан қаттиқ таъсирланган олим, наҳви, яни грамматик қоидаларни яратиш зарурлигини билганлар, яна бир қанча олимлар Абул Асвад Дуалийни қизи билан бўлган суҳбатдан тасирланган бўлиши мумкин дейдилар.

Абул Асвад Дуалий араб грамматикасининг асосчиси ҳисобланади. У Басралик буюк олим, грамматикадаги унли товушларни (تقط الاعراب) – (ҳаракатларни) ва ундошларнинг остки ва устки нуқталарини аниқловчисини, (تقط الاعجام), боғловчиларни, сўроқ ва ундов гапларни “إن” каби юкламаларини ажратиб чиқди ва грамматик жиҳатдан шарҳлаб берди: Абул Асвад Ад-Дуалий

ҳаракат белгиларини ва Наср ибн Осим нуқталарни ихтиро қилганлар, улар унғача араб ёзувида мавжуд емас еди. Наҳв илмида Басра шаҳри мактаби кенг оммалашди.

Бизнинг Мовароуннаҳр ўлкаларида ҳам айнан басра йўналишига амал қилинган, Басралик наҳвшунос олимларнинг асарлари кенг кўламда ўрганилган.

ВИИ асрда яшаган Абул Асвад Ад-Дуалийга қуйидагича нисбат берилади: “Билимдан қудратлироқ ҳеч нарса йўқдир. Шоҳлар халқ устидан ҳукумронлик қилсалар, олимлар шоҳлар устидан ҳукумронлик қиладилар. ”

Жоҳилият даврида ва ҳижрий асрларни биринчи ярмидаги асарларда ҳарфлар нуқта ва ҳаракат белгилари, товушни қисқа ва узун чўзиш (мад) аломатларидан ҳам еди. Пайғамбаримиз (Саллолоҳу Алайҳи Васаллам) мактублари ҳам нуқта ва белгиларсиз бўлган, Усмон Мусхафларида ҳам бўлмаган белгилар.

Араб тилшунослигига, унинг ривожига жуда кўп Басралик ва Куфалик олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Булардан Исо ибн Умар ас-Сақофий (766 й.) грамматик олим, Ҳофиз Қурон, басра грамматика мактабининг асосчиларидан бири ва машҳур олим Сибавайхийнинг устозларидан бўлган. Унинг “الجامع” (Тўплам) ва “الإكمال” ёки “المكمل” деб аталувчи асарлари араб тилининг грамматик қоидаларини ифодалаб берди.

Бизга етиб келган асосланган маълумотларга кўра, араб олимлари бир овоздан Абул Асвад Ад-Дуалийни “араб грамматикасининг асосчиси ва наҳв илмининг биринчи муаллими” деб тан олганлар. Жумладан Ибн Қутайба (Китабул маориф) ва Сибайхийлар: “ У араб тилининг қонунларини яратган биринчи кишисидир” – дейишади .

Араб грамматикасига оид изланишлар билан Абул Асвад шогиртлари Анбаса ибн ал-Фаҳрий, Маймун ал-Ақран, наср ибн Осим, Яҳё Ямарлар шуғилланишган. Абу Амр Ибн Умар Сақофий ва Юнус ибн Ҳабиб еса Мазиний ва Хадрамнинг шогирти бўлган. Абу Амр Ала Мазиний (вафот. 153-770й.), Наср ибн Осимни, Абу Ишок Хадралий (117-735й.) еса яҳё ибн Яманни шогирти бўлган.

Араб наҳв илмини пойдеворини Абул Асвад Ад-Дуалий қўйган бўлса, унинг биносини биз юқорида номларини зикр қилган олимлар қуришган. Лекин бу олимларни асарлари бизгача йетиб келмагани, енг ачинарли ҳолатдир.

Абул Асвадни тўлиқ номи, Золим ибн Амир Жанбал ибн Сайфон Дуалийдир. У асли Канона қабиласининг Дуил уруғидан бўлган. Али (р.а) билан кўп вақт бирга бўлиб, у кишидан илм олган, олим Қурони Каримни ёд олган қорилардан бўлганлар, у Қурон кироатини Усмон ибн Аффон ва Али толибдан олган. Дуолий хижратнинг 69-йили (милодий 688 й.) 85 ёшларида Басрада вафот етганлар.

Абул Асвод Дуалий нахв соҳасида жуда кўп шогирт етиштирганлар.

1-давр. Абул Асвод Ад-Дуалий даври.

Араб нахви биносини биринчи ғиштини қўйган, араб алифбосидаги ундошларнинг нуқталарини, зеб-зеварини (унлиларни ифодаловчи ҳаракатларни) ишлаб чиққан олим Абул Асвад, бизгача яни шу давргача йетиб келган енг биринчи нахв муаллимидир.

2-давр. Абул Асвад шогиртлари даври ҳисобланади. Шогиртлар: Анбаса ибн Маъдан ал-Бил, Маймун ал-Ақран, Наср ибн Осим, Яхё ибн Ямарлар бўлганлар. Яхё Ибн Ямар тобеинлардан бўлганлар ва Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос ва бошқа сабоқлар билан учрашганлар, у Басрада туғилиб, кейинчалик Хуросонга кўчиб ўтганлар.

Наср ибн Осим Лисий тобеинлардан бўлиб араб илмлари бўйича олим, фақх кишиси бўлган. Қурон ва нахв илмида Абул Асвад таянар еди, ундан нахв илмини Абу Амр ибн Ал-Ало ўрганганлар.

3-давр. Таҳлил ва тариф босқичи ҳисобланади. Бу давр Абул Асвад Ад-Дуалий шогиртларининг даври ҳисобланади. Бу даврда нахв масалаларини ўрганиш ва тадқиқ етиш бахс, мунозара ва танқид шаклини олади. Қоидаларни бир шаклга келтириш ва грамматик масалаларни ёзма баён қилиш бошланади.

4-давр. Грамматик асарларни тарифф қилиш давридир. Бу даврни ёрқин вакили Исо ибн Умар Сақофийдир. У олим Абдуллоҳ ибн Абу Ишқ Хадамрийни шогирди бўлган. Кейинги давр грамматиклари уни нахв илмини асосчиларидан бири деб ҳисоблашади. Сақофий 70га яқин илмий асарлар муаллифи ҳисобланади.

Сибавайҳийни “Ал-Китоб” асари араб тилини намунали ўзлаштиришга асос бўлган, бу асарда биринчи бўлиб, 565 бобдан иборат асарида ўзидан олдинга грамматик талқинларга якун ясаган, барча қонун-қоидаларни бир тартибга келтирган, араб тили грамматик қоидасини тугаллаган яни тўлиқ ишлаб чиққан.

Ҳамма грамматик бирикмаларда Қурони Каримдан ва давр шеърятдан (1000га яқин) мисоллар келтирган, бошқа нахв олимларининг фикрларига ҳам ўз муносабатини билдирган. Булар асарни шу қадар муваффақият қозонишга асос бўлган бўлса, ажаб емас.

4. Басра грамматика мактаби.

Ҳар бир грамматик мактабни грамматикани ўрганишга ўзига хос йўналиши ва ёндашуви бор еди, чунки ҳар бир йўналиш унинг тарихи ва географик келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган.

Тарихий манбаларда қайд етилишига, Басра шаҳрига 636-йил Форс кўрфазида, Шат ал-Араб дарёси бўйида асос солинган. Басранинг гуллаб-яшнаган олтин даври Аббосийлар халифалиги ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

Басра шаҳридаги масжидларда кўплаб илмий давралар уюштирилган, бу ҳам нахв илмининг ривожига муҳим рол ўйнаган. У ёерда қироат, ваъзхонлик, тилшунослик, қалам илми, тафсир ва бошқа мавзуларда мажлислар ўтказилган шундай шароитлар, Басра тилшунослик мактаби юзага келишига сабабчи бўлган. Бу мактаб асосчиси Абул Асвад Дуалийдан тартиб, яни бошланиб, Ал-Мубаррадгача бўлган олимлар Басра тилшунослик мактабини тарих зарварақларига муҳрланиб қолишида жонбозлик кўрсатганлар.

Дуалийга бошлаб Сибавайхйгача ижод қилган олимларни табақаларга ажрацак, Абдурахмон ибн Хармиз билан Дуалий 1-табақа вакили бўлиб ҳисобланади, чунки бу олим биринчи бўлиб одамларга тил грамматикасини ўргатгандир.

2-табақа вакиллари: Яхё ибн Ямар Лисий, Дуалийдан биринчилардан бўлиб, нахв илмини ўрганган олимлардан бўлган. У Басрада туғилиб, Хуросонга кўчиб ўтган. Марвда қозилик қилган ва 129-746 йил Басрада вафот етган. Анбаса ал-Фил – Анбаса ибн Маъдан Мийсоний Махрий, у олим ҳам нахв илмини Дуалийдан ўрганган.

Наср ибн Осим – наср ибн Осим ибн Амр ибн Халид ибн Ҳамза ибн Асад ибн Валия ибн Малик ибн Қайс ибн Омир Ибн Лайс ибн Бакр ибн Авд Манат ибн Али ибн Кинана, бу олим Наср ибн Осим Қурон мушафларига биринчилардан бўлиб, нуқталар қўйганлардан ҳисобланади. У 89/707 йил оламдан ўтган.

3-табақа вакиллари. Абдуллоҳ ибн Аби Ишоқ – Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аби Ишоқ Зайд ибн ал-Ҳарис Ҳадрабий “Абу Ишоқ” номи билан машҳур бўлган. Абу Амр ибн ал-Аъла – олим Маккада 70/689-йили таваллуд топган, тобеинлардан бўлган. Ал-Аъла йетти машҳур қорилардан бири бўлган.

Ийсо ибн Умар Сақафий, бу олим Ҳамд ибн Валидни дўстларидан бири еди. Нахв илмини Ал-Аъладан олган. Сақофий нахвга оид 70 дан ортиқ китоб ёзган, бироқ кўп китоблари бизгача йетиб келмаган.

4-табақа вакиллари. Ал-Ахфаш ал-Акбар – Абу хаттоб Абдулҳамид ибн Абдулмажид Қайс ибн Салабнинг қули бўлган. Араб нахви тарихида машҳур бўлган учта “Ахфаш” ни биридир. (11 та Ахфашнинг олтинчиси бўлган). У араб тилининг имоми еди. Ал Халил ибн Аҳмад, юнус ибн Ҳабиб – Абу Абдурахмон Юнус ибн Ҳабиб Заббийлар ҳам йетук нахв олимларидандир.

5-табақа вакиллари. “Язидий” номи билан машҳур бўлган олим – Абу Муҳаммад ибн ал-Муборак ибн ал-Муғайира Адавийдир. У тил ва нахвга оид кўплаб асарлар ёзгандир. Сибавайхи, у асли Еронда туғилган. Оиласи билан Басрага келган, илм олиш сирларини Ҳаммод ибн Саламадан, Ал-Ахфаш ал-Акбардан ва нахв илмини Ал-Ҳамш ибн Аҳмаддан олган. Олган илмларини ҳосиласи ижодининг маҳсули “Ал-Китобни” ёзди. Бу китоб жуда мукаммал

ёзилган еди, чунки ундан кейинг давр олимлари ҳам тилшунослар ҳам кўпроқ нахв илми орқали, балки товушлар ва луғатхунослик билан ҳам шуғилланиб, кўп асарлар ва китоблар ёзганлар.

6-табақа вакиллари. Ал-Ахфаш ал-Авсат. Манбаларда келтирилишига, олим асл Хоразмдан бўлган, илм излаб Басрага бориб, шу йерда ижод қилган, деган тахминлар бор. Устозлар мажлисида Сибавийҳий билан бирга тахсил олади. Ал-Ахфаш, Сибавайҳийдан ёш жихатидан ката бўлади, шунга қарамай ундан сабоқ олади. Ал-Ахфаш Сибавайҳийнинг “Ал-Китоб” асарини шу давргача яни бизгача йетиб келишига асосий воситачи бўлган.

Манбаларда ривоят қилинишича, Ал-Ахфаш Ал-Халил ибн Аҳмад ишлаб чиққан 15 та бахрни тузатиб битта қилиб “мутадорлик” (متدارك) номли бахрни қўшган экан.

Қутруб – Абу Али Муҳаммад ибн Мустанир. “Қутруб” номи билан танилган Басрада туғилиб шу йерда ижод қилган. Ишига жуда чанқоқ бўлганидан, Сибавайҳийни ешиклари тагида кутиб турар, Сибавайҳи ерта тонгдан ешикдан чиққанда доим, Қутруб кутиб турганини кўрар еди, бир куни унга: “тун алвастиси”, “қутрубу-л-лайл-сан *إِنَّمَا أَنْتَ فَطْرُبُ اللَّيْلِ* - деган экан, шундан сўнг, “Қутруб” (فَطْرُب) деган куня (лақаб) орттирган экан. Қутруб ҳадис, араб нахви ва сарфи бир қанча илмларга оид асарлар қолдирган.

Абу Али Муҳаммад ибн Мустанир Қутруб 206/821-йили вафот етган.

7-табақа вакили. Жармий – Абу Умар Солих ибн Ишоқ Бажлий. Басрада туғилиб, шу йерда ижод қилган, бир муддат Боғдодга ҳам бориб ижод қилган. Нахвни Ал-Ахваш Ал-Асваддан, араб тилини Абу Убайдадан, Абу Зайд Ансорий ва Аъсмаийлардан олган. Боғдодга келиб, у йерда Фарро билан мунозара олиб борган, уни илми билан мағлуб етган. Жарний ўз даврининг ҳадис, фикҳ ва нахв илмларида ката мухрат қозонган олимлардан бўлган. Ундан Мубаррад ва бошқа уламо-олимлар ҳадис ривоят қилишган. Абу Умар Жарний 225/839-йил вафот етган.

Таввазий – Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ҳорун. У юқорида номи келтирилган устоз олимлардан тахсил олган. Нафақат ўз замонасининг араб тили ва нахв илмлари борасида мухрат қозонган балки, араб шеърияти ҳам ўзининг тенгсиз ҳиссасини қўшган олимлардан бўлган. Олим араб тили ва адабиётига оид кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Таввазий ҳижрий 230/844 ёки 233/847 йилда вафот етган.

Мазиний – Абу Усмон Бакр ибн Муҳаммад Мазиний Басрада туғилиб шу йерда яшаган. Абу Убайда, Абу Зайд, Ал-Ахфорлардан тахсил олган, у нахвга оид кўплаб асарлар ёзган. Уларни ичидан “Ат-тасниф” – (التصنيف) феълларни тусланиш китоби енг аҳамиятлиси бўлган. Бу асар Сибавайҳийни “Ал-Китоб” асаридан, феълларни тусланиш бобидан буткул фарқли бўлиб, муаммоларни

ўрганади. Мазиний тасриф яниким феълларни тусланишини наҳв илмидан ажратиб, сарф илмига асос солган. Ундан кейинг авлод вакиллари Абу Али Форисий ва Ибн Жиннийлар каби кейинг олимлар ҳам уни йўлидан кетганлар. Ибн Жинний Мазинийни шу асарига шарҳ ёзиб, асарини “Ал-Мусаннаф” (المُصَنَّف) деб атаган. Мазиний 236/850 йили Басрада вафот етган.

Абу Ҳотим Сижистоний – Абу Ҳотим Саҳл ибн Муҳаммад ибн Усмон ибн Қосим ибн Язид Жушний Сижистоний. Басрада туғилиб ижод қилган олимлардандир. Қурони Карим, араб тили ва адабиёти илмларини имоми бўлган. Шу билан бирга, Қурон, ҳадис, наҳв, сарф, араб тили, балоғат, аруз илмларини ҳам чуқур егаллаган олимдир. Шу илм соҳаларида бир қатор асарлар ёзганлар. Уларни сони 30 дан ортиқдир. Абу Ҳотим Сижистоний 255/868-йили Басрада вафот етганлар.

Риёший – Абул Фазл Аббос ибн ал-Фараж. Риёший араб тили ва шеърятини йетук олимларидан бўлган. Ал-Фараж Басрада туғилиб, шу йерда ижод қилган. Устозлари, Мазийний, Асмаъийлардан наҳв илмини, араб тили, ўрганиб Басранинг кўзга кўринган буюк наҳвшунос ва луғацхунос олимларидан бирига айланган. Шу илмларга оид кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Риёший 257/870-йили вафот етган.

Ал Мубаррад – Абу Аббос Муҳаммад ибн Язид ибн Абду-л-Акбар ибн Умайир ибн Ҳисон ибн Солим бинт Саъд ибн Абдуллоҳ ибн Язид ибн Малик ибну-л-Ҳорис ибн Омир ибн Абдуллоҳ ибн Билол ибн Авф ибн Аслам.

Ал-Мубаррад – Басрада туғилиб ижод қилган. У Жармий, Мазиний, Абу Ҳотимлардан таҳсил олган. Шу билан бирга бир қатор олимларга жумладан, Абу Ишоқ аз-Зижож, Абу Бакр ибн Ас-Сирож ва Муборамонларга устозлик қилгандир. Унинг Басрада обрў-еътибори, шухрати ошади. Ал-Мубаррад билан Басра грамматика мактаби бошқаруви якунланади. У жуда кўп асарлар ёзган ва ҳозирги давргача уни асарларида таянч сифатида дарсликда фойдаланиб, дарслик сифатида ишлатилиб келинмоқда. Ал-Мубаррад 286/899-йили вафот етган. Басра грамматика мактабининг сўнги вакили Мубаррад бўлган.

Басра мактаби шаклланиб ривожлангандан кейин Куфа мактаби вужудга келган. Куфалик устоз – Жафар Руаса – Басрада илм олувчи талаба бўлган. Араб грамматикаси – наҳв илми, ислом шарофати билан пайдо бўлди ва тарихан қисқа вақтда VIII-IX асрларда шаклланган, X асрдаёқ тўлиқ бир фан сифатида юзага келди. Бунга халифалар Мансур: Ҳорун Ар-Рашид, Маъмун даврларида марказий шаҳарлар Басра, Куфа, Бағдод иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топади. Араб тили ва грамматика қоидаларини билиш, араб тили ўрганаётган ўқувчи учун муҳим.

Хулоса

Араб тили, унинг ривожланиш тарихи ва грамматикаси ҳамда ҳозирги замон араб жамиятидан араб тилининг ўрни ҳақидаги асосий маълумотларни билиш, араб тилини ва тарихини ўрганаётган ўқувчи учун жуда муҳим. Араб тилининг бошқа тиллар билан яқинлигини билган ҳолда, тарихий шаклланиши товушлар тузилиши, грамматика ҳамда шевалари (диолект) ни ҳамда араб тилида сўзлашувчи халқларнинг араб тилига бўлган муносабатларини муаммоларини ўрганиш зарур.

Басра грамматика мактабида ижод қилган олимлар грамматика фанига ҳисса қўшган олимларни билиш, уларни қайси табақа вакили эканлиги ва уларни ёзган ва бизгача йетиб келган асарларини ўқиб ўрганиш зарур масалалардан биридир.

Тарихдан бизга маълумки, биринчи ёзув битиклар айнан шу яқин шарқ минтақасида яратилган. Тилшунослик еса қадимги Мисрга, дунё тилшунослик луғатлари ватани – дея еътироф этилиши ҳам бежиз емас. Басра юқорида айтиб ўтилганидек шаҳарларнинг географик жойлашуви, шаҳар аҳолиси турли миллат вакилларида иборатлилиги, айна шу йерда араб тилини ўрганишга келган елатларни иштиёқини оширган бўлса ажаб емас. Енг қадимги араб таржимонлари ҳам айнан Басрада йетишиб чиққан.

Хулосамиз шундан иборатки, Басра грамматика мактаби – араб тили ва адабиёти асоси бўлган грамматика фанини ватани ҳисобланади ва узоқ йиллар давомида ҳали кўп ўқувчилар томонидан ўқиб ўрганилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Д.К. Маматохунов, Ш.М. Мирзиётов – “Араб филологиясига кириш” – Т-2010 йил.
2. А.Г. Белова. Воедение в арабского филологию” –М-2003 й.
3. Абдулазиз Мансур, Қурони Карим манбалари.
4. Ғ. Сулаймонова. Шарқ ва ғарб:. Т-1997-й.
5. М. Носирова. “Тилшунослик билимлар тарихи”. Т-2019й.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф – “Ислом тарихи”-2. Т-2023й.